# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 1-MART, JUMA, 26 (8107)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.





Қаердаки аҳиллик, ташаббускорлик бўлса, шу ерда ободлик, тараққиётга йўл очилади. Зоҳидонликлар ҳам ҳар соҳада ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиб, ҳудуд чиройига чирой қўшиш баробарида турмушлари фаровонлигини таъминлашмоқда.



Термиз шаҳридаги "Гранд шифер" қўшма корхонаси инвестиция шарофати билан равнақ топаётган корхоналардан. Бир неча йил олдин бу ерга Буюк Британиянинг "ATLANTA CORPORATION L.P." компаниясининг 4 миллион 87 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармояси киритилиб, йилига 1,6 миллион дона саккиз тўлқинли шифер ишлаб чиқариш қувватига эга дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди...



Бугун – Ўзбекистон халқ шоираси, бахт-саодат куйчиси Зулфияхоним таваллуд топган кун. Шу сана муносабати билан пойтахтимизда адабиёт ихлосмандлари, Зулфияхонимнинг шогирд ва издошлари, кенг жамоатчилик вакиллари шоирани хотирлаб унинг ҳайкали пойига гулдасталар қўйиши анъанага айланган.


САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА


## Куннинг муҳим воқеалари

► Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида "Чет тили таълимида узлуксизлик ва касб мутахассисларини тайёрлаш" мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди. Тадбирда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида чет тилларни ўқитиш, талабаларда касбий билимларни шакллантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш ҳамда замонавий методларни татбиқ этиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**► Республика бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобига Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги «Шодлик» маҳалласининг канализация тармоғи тўлиқ таъмирланди. Натижада, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизими яхшиланди. Айни пайтда лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга оширишга киришилди. Шаҳарнинг «Обод юрт» маҳалласидаги сув қувурлари ва канализация тармоғи таъмирланмоқда. Лойиҳа амалга оширилгач, қарийб 14 минг фуқаронинг тоза ичимлик суви таъминоти янада яхшиланади.**

► Бухорода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 февралда қабул қилинган "Республикада термитларга қарши курашиш ишларини жадаллаштириш ва уларнинг зарарини бартараф қилиш тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Андижон Вилояти







Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

## ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН СПОРТ АНЖОМЛАРИ ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР НАТИЖАСИДА СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ ҲАМДА АНЖОМЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖ ҲАМ ОРТИБ БОРМОҚДА. АВВАЛЛАРИ АКСАРИЯТ ҚИСМИ ХОРИЖДАН КЕЛТИРИЛГАН СПОРТ ТОВАРЛАРИ ЭНДИЛИКДА ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНЯПТИ. ЭЪТИРОФ ЭТИШ ЖОИЗКИ, БУ ЖАРАЁНДА ҲАМ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲИССАСИ КАТТА БЎЛМОҚДА.

Хусусан, самбо кураши бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Баҳром Расулов ташкил этган кичик корхонада миллий ва халқаро кураш яктаклари, курткалари эндиликда харидоргирлиги бўйича хорижда ҳам эътироф этилмоқда.

Андижон шаҳридаги "ЎзТонг Хонг-Ко" қўшма корхонасида эса спорт анжомлари тайёрлашга ихтисослашган цех ташкил этилди. Хориждан олиб келинган илғор технологияга асосланган асбоб-ускуналарда баскетбол, волейбол, катта теннис тўплари, спорт пойабзаллари, ёпинғичлари тайёрланмоқда.

– Эътиборимизни сифат ва самарадорликни янада оширишга қаратяпмиз, – дейди цех бошлиғи Санъатбек Деҳқонов. – Айни вақтда маҳсулот турларини кўпайтиришга интиляпмиз. Зарина Ғаниева, Муҳаммадазиз Абдусаломов, Икромжон Орипов каби ишчиларимиз янги технологияни мукаммал ўзлаштиришиб, шогирдлари билан тайёрлаётган спорт анжомлари ўз харидорларини топиб улгурди.

Балиқчи туманидаги "Хўжаобод" масъулияти чекланган жамиятида анча йиллардан буён спорт анжомлари тайёрланади. Корхона жамоаси кейинги йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот сифатини оширишни мақсад қилган.

– Корхонамизда 32 хилдаги спорт анжомлари тайёрланмоқда, – дейди жамият раҳбари Фарҳодбек Адилов. – Уларнинг барчаси бугунги талаб даражасида эмаслиги, рақобат бозорида мустаҳкам ўринга эга эмаслигини англаб турибмиз. Ана шундан келиб чиқиб, хитойлик тадбиркорлар билан алоқага киришдик. Жумладан, "Чянсон" саноат компанияси билан биргаликда қўшма корхона ташкил этишга киришдик. Ҳадемай корхонамиз янги технология асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бошлайди. Ана шунда маҳсулотлар тури 45 тага етади. Асосийси шуки, биз ўз маҳсулотларимизни фақат ички бозор учун эмас, айни вақтда экспорт учун ҳам тайёрлашга эришамиз.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




Тошкент Вилояти

## «ҚИЗҒАЛДОҚ» – ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ МАСКАНИ

**Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" қишлоқ врачлик пункти вилоят ҳокимлигининг молиявий ёрдамида тўлиқ қайта таъмирланди.**

Бунёдкорлик ишлари "Евро эксклюзив" фирмаси қурувчилари томонидан амалга оширилди. Муассасадаги лаборатория акушерлик, маънавият ва маърифат хоналари янги замонавий қиёфа касб этди. Иситиш, ёритиш ва канализация мосламалари ҳам янгиланди. Бугунги кунда 12 минг аҳолига хизмат кўрсатаётган мазкур муассасада 5 нафар олий тоифали шифокор ва 20 нафарга яқин ҳамшира меҳнат қилаётир.

— Қишлоқда жойлашган бўлса-да, врачлик пунктимиздаги шарт-шароит эндиликда шаҳардагидан асло қолишмайди, — дейди бемор Дилфуза Солиева. — Обод турмуш йилида тиббиёт муассасамизнинг янги кўринишидан ёшу қари бирдек хурсанд. Чунки инсон соғлом бўлсагина обод турмуш қуришга интилади.

Ҳа, бугунги кунда юртимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасида олиб борилаётган бундай бунёдкорлик ишлари турмушимизнинг янада обод бўлишига хизмат қилади.

**Иброҳим ТОШЕВ**

Қашқадарё Вилояти

## ТЕНДЕР ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**"Таллимаржон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 мегавольтга тенг иккита буғ-газ қурилмасини барпо этиш орқали ИЭСни кенгайтириш" лойиҳаси доирасида эълон қилинган халқаро тендерда Жанубий Кореянинг "Daewoo" ва "Hyndai" компаниялари консорциуми ғолиб чиқди.**

Тендернинг сўнгги босқичида, шунингдек, Япониянинг "Mitsui", "Sumitomo", Жанубий Кореянинг "Samsung", "Lotto", Франциянинг "Aistom" ҳамда Испаниянинг "Duyo Felduevd" компаниялари ҳам иштирок этганди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллиард 280 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Уни молиялаштиришга республика ҳукумати, "Ўзбекэнерго" ДАК маблағлари билан бир қаторда Осиё тараққиёт банки ва Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) кредитлари ҳам жалб этилмоқда.

Айни пайтда "Ўзбекэнерго" ДАК ва тендерда ғолиб чиққан консорциум ўртасида тегишли шартномалар имзоланиши режалаштирилмоқда.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Хоразм Вилояти

## ЯНГИАРИҚДА ЯНГИ ХИЗМАТ МАЖМУИ

**"Хоразмпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тасарруфидаги пахта тозалаш жамиятлари қошида қўшимча тармоқлар ташкил қилиш орқали кўплаб янги иш ўринлари яратиш, даромадни кўпайтириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.**

– Ана шу мақсадда яқинда "Янгиариқпахтатозалаш" очиқ акциядорлик жамияти қошида пиллачиликни ривожлантиришни кўзлаб, "Янгиариқ кумуш тола" масъулияти чекланган жамият шаклидаги ипак қурти боқиш корхонаси, аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатиш мажмуаси ташкил қилинди. Унда мавсумда 50-60 қути ипак қурти парваришлаб, 4 тонна пилла етиштиришни режалаштирмоқдамиз, – дейди "Янгиариқпахтатозалаш" жамияти раҳбари Мурод Нуруллаев. – Шу мақсадда бизга 15 гектарлик ер майдони ажратилган, унинг 7 гектари тутзор, қолган 7 гектарлик қисмига ҳам эрта-индин тут кўчатлари ўтқазилади. Бир гектарлик қисмида эса интенсив боғ яратиш, кўчатлар оралиғида полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни мўлжалламоқдамиз. Фақат пиллачилик соҳаси бўйича 23 нафар киши доимий иш билан таъминланади, қурт боқиш ва пилла етиштириш мавсумида 200 нафар киши ишга қабул қилинади.

Маиший хизмат мажмуи эса ҳаммом, сартарошхона, аёллар гўзаллик салони, видеостудия, суратхона, этикдўзлик устахонаси, гўшт сотиш дўкони ва минимаркетдан иборат бўлиб, айни пайтда 20 нафар киши фаолият кўрсатмоқда.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш истиқлол йилларида Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсадидир. Президентимиз Ислом Каримовнинг қарори билан тасдиқланган "Обод турмуш йили" Давлат дастури ушбу хайрли ишларни нафақат изчил давом эттириш, балки таълим соҳасини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтаришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади.**

Масалан, Давлат дастурининг тўртинчи бўлимида жисмонан соғлом, маънан етук – баркамол авлодни тарбиялаш, кадрларни касб жиҳатдан ҳозирги замон талаблари даражасида тайёрлаш, таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган.

"Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди. Мазкур тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур мустаҳкам моддий-техник база шакллантирилди, малакали педагог кадрлар тайёрланди, янги давлат таълим стандартлари ва ўқув-услубий адабиётлар ишлаб чиқилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида ушбу ижобий жараённи янада ривожлантириш мақсадида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 тасини капитал таъмирлаш, 159 академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим муассасаларининг 45 объектини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилган. Уларнинг барчаси компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминланади. Шунингдек, 55 мусиқа ва санъат мактаби, 116 болалар спорти объектини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни барча зарур жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ва уларнинг ҳудудлардаги филиаллари оптик-толали алоқага эга бўлиб, улар «ZiyoNET» миллий таълим тармоғи ҳамда юқори тезлик билан ишлайдиган интернетга уланган. Ишга туширилган ягона ахборот-кутубхона тизимига 300 мингдан ортиқ дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув адабиётларига доир библиографик маълумотлар киритилган. 2013-2016 йилларда ушбу базани 30 мингдан ортиқ электрон дарслик ва китоблар билан тўлдириш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган янги авлод дарсликларини яратиш тизими шакллантирилди. Айни пайтда улар жами ўқув адабиётларининг 99,4 фоизини ташкил қилади. 2013 йилда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг кутубхона фонди 343 номдаги 600 мингта ўқув қўлланмалари билан бойитилади. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар ҳамда қўлланмалар билан бепул таъминлаш белгиланган. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига қишки кийим-кечак, биринчи синф ўқувчиларига эса 12 номдаги ўқув анжомлари бепул берилади.

Ҳаётимизнинг барча соҳасини жадал ривожлантириш мутахассислар томонидан замонавий билим, қобилият ва кўникмаларни тизимли асосда ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Шунга мувофиқ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими такомиллаштирилмоқда. Жорий йилда халқ таълими тизимидан 90 минг, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидан 23 минг, олий таълим тизимидан 5,8 минг нафар ходимнинг малакаси ва тажрибасини ошириш ташкил этилади. Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини масофадан туриб ошириш тизими янада ривожлантирилади. Ушбу тизим бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудида фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олий ўқув юртларининг қатор магистрантлари, илмий ходим ва ўқитувчилари илғор хорижий таълим муассасаларида тажриба оширади. Буларнинг барчаси таълим жараёнига замонавий педагогика технологияларини кенг татбиқ этиш учун қўшимча имкониятлар яратади.


(Давоми 2-саҳифада)

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистонда шаклланган миллий таълим модели нафақат узлуксиз таълим олишни, балки ёш ўсувчиларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахснинг муттасил ривожланиб боришини ҳам кафолатлайди. Масалан, Давлат дастурида мактабда, айниқса, қишлоқ жойларда биринчи синфга тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида мактабгача таълим тизимига янги мазмун-моҳият бағишлаш кўзда тутилган. Давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир мактабгача таълим муассасаси болаларнинг интеллектуал ва мантиқий фикрлаш қобилиятини эрта ривожлантиришга ёрдам берадиган кўргазмали қўлланмалар ҳамда материаллар билан таъминланади. Мактабга тегишли шаклда тайёрлаш имконини берадиган бешта китобдан иборат расмли қўлланмалар тўпламини нашр этиш режалаштирилган. Ҳар йили улар мактабгача таълим муассасаларига жалб этилмаган болаларга бепул тарқатилади.

Ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифалардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури» лойиҳаси доирасида олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида қишлоқ хўжалиги, саноат, ахборот технологиялари, атроф-муҳит муҳофазаси ва хизмат кўрсатиш соҳалари мутахассисларини тайёрлаш учун мақсадли курслар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Ёш тадбиркорларга моддий ва услубий ёрдам кўрсатилади, ҳудудий махсус маслаҳат марказлари фаолияти такомиллаштирилади. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиш имкониятларидан хабардорлигини ошириш мақсадида бўш иш ўринларининг ягона интерфаол базасини яратиш кўзда тутилган.

Жорий йилда «Таълим грантлари дастури», «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» танловларини ўтказиш давом эттирилади. Шунингдек, кам таъминланган оилалардан ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ва олий ўқув юртларида ўқиётган 100 нафар иқтидорли йигит-қизлар учун касаба уюшмаси стипендиялари таъсис этилади.

Мамлакатимизда болалар ва ёшларнинг истеъдоди ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали, замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида академик ва эстрада ижрочилиги бўйича республика танлови, «Иқтидорли ёшлар – Ватан равнақи йўлида» шиори остида ўқувчиларнинг «Йилнинг энг яхши ихтирочиси» танлови ўтказилади. Аксарияти анъанага айланган бу тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларнинг ижодини ривожлантиришга хизмат қилмоқда, ҳали келаётган ёш авлоднинг юқори салоҳиятини намойиш этмоқда.



Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни янада кенгроқ оммавийлаштириш мақсадида 2013 йилда қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида «Алпомиш» ва «Барчиной» ҳудудий мусобақалари, «Миллий қадриятлар – беқиёс бойлигимиз» шиори остида миллий спорт ва халқ ўйинлари республика фестивали, Наврўз, Мустақиллик байрамларига бағишланган умуммиллий марафонлар ташкил этилади. Бухорода "Универсиада – 2013" мусобақалари бўлиб ўтади.

Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда миллий ифтихор ва ўзликни англаш, ватанпарварлик, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш фазилатларини шакллантириш келажакка қаратилган ушбу улкан ишларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу хайрли ишлар доирасида жорий йилда ёшларнинг касб кўникмаси ва инсоний фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари, ёш журналистлар учун медиа-оромгоҳлар, турли йўналишлар бўйича мунтазам ўтказиладиган семинарлар, тренинг ва маҳорат сабоқлари ташкил этилади. Бунда йигит-қизларнинг серқирра истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, болалар ва ёшларнинг фойдали дам олишини ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирлар режалаштирилган.

Давлат дастурида «Биз баркамол авлодмиз» ўн кунлиги, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган "Ҳар бир болага меҳр ва эътибор" ҳафталигини ўтказиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда барча болаларни ривожлантириш ва уларнинг бахтли ҳаётини таъминлаш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишга доир амалга оширилаётган ишларга ушбу шиорнинг эзгу ғояси сингдирилган. Хусусан, 2013 йилда инклюзив таълим тизимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, бундай таълим турига имконияти чекланган фарзандлари бор оилаларни жалб қилиш, шунингдек, улар учун спорт мусобақалари ҳамда оилавий марафонлар ўтказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, имконияти чекланган болалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига ижтимоий-психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Фарғона ва Самарқандда Республика болалар ижтимоий мослашув марказини филиаллари очилади.

Халқимиз азалдан илм ва маърифатга интилган. Истиқлол йилларида ушбу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан ўрин олди. Буни "Обод турмуш йили" Давлат дастури ҳам яққол тасдиқлайди. Унда жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол ёшларни тарбиялаш ва уларнинг билим олиши бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатимизда фаровон ҳаётни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

**ЎзА**

---

**Президентимизнинг 2012 йил 13 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкчиликнинг роли ва аҳамиятини янада ошириш, монополияга қарши самарали тартиботларни юритиш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш ва шу орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, корхоналарнинг, умуман иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.**

## Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш: ЯНГИЧА ШАКЛ ВА УСУЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Сайфиддин ГАФАРОВ мухбиримизга янги ташкил этилган давлат қўмитасининг мақсад ва вазифалари тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ушбу Фармон турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар ўртасидаги рақобатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ички тизимини янада такомиллаштириш, техник ва технологик томондан модернизациялаш, маҳсулот сифатини янада ошириш ва таннархини пасайтиришга қаратилган.

Шу боисдан бир-бирига узвий боғлиқ бўлган мазкур жараёнларни янада фаоллаштириш ва бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, тегишли чора-тадбирларни амалга оширувчи давлат институтларини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Айни шу талаб ва заруратдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди.

Мазкур Фармонда иқтисодиётнинг асоси бўлган давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хусусий мулкчилик кўламини кенгайтириш, монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш ҳамда реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш, фонд бозори, хусусан, иккиламчи фонд бозорини жадал ривожлантириш, кооператив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш каби устувор вазифалар илгари сурилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги Қўмита олдида турган асосий вазифалар хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларидаги давлатга тегишли активларни ҳамда акциялар пакетлари (улушлари)ни хусусий мулкка сотиш, давлат мулкининг хусусий мулк эгаларига сотилишида очиқлик ва ошкораликни таъминловчи давлат тасарруфидан чиқаришнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

Бу борада Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвесторларни жалб этишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармони ҳамда "2012–2013 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга асосий эътибор қаратилади.

Хусусан, 2012 йилда 27,39 миллиард сўм ва 2,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги 87 та давлат активлари сотилди, шундан 16,42 миллиард сўм ва 2,5 миллион АҚШ доллари ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қўшимча иш ўринларини барпо этиш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш назарда тутилган олди-сотди шартномалари бўйича инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестициялаш мажбуриятларидир.

Ўтган йили 194 та давлат мулки объектлари баҳоланиб, шундан 96 таси оммавий савдоларга қўйилди ва 26 таси сотилди. Шу билан бирга, 1187 та ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектлар рўйхати тасдиқланди ва улардан оқилона фойдаланиш чоралари белгиланди. 441 та давлат мулки объектлари маҳаллий органлар балансига берилди, 64 та объект бўйича тендер савдолари шартлари тасдиқланди.

Республикамиз ҳудудларида жойлашган ва маҳаллий ҳокимият органлари балансида бўлган 41 та паст ликвидли объектларнинг рўйхати тузилди ва тасдиқлаш учун Давлат тендер комиссиясига киритилди. Бугунги кунда ушбу объектлар негизида хорижий инвестициялар қатнашган корхоналар барпо этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Қўмита Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш Дастури кўра жорий йилда 170 миллион АҚШ доллари қийматидаги хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бу билан 952 та кичик корхона фаолиятини йўлга қўйиб, 14 мингдан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар асосида иш олиб бормоқда.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ**
**суҳбатлашди.**

---

Андижон Вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши ҳамкорлигида "Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг ҳудудий муаммоларни ҳал қилишдаги роли" мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.**

## ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси М.Ражабова олиб борди. Йиғилишда таъкидланганидек, ҳудудий муаммоларни ечиш бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда дастур асосида беш мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилмоқда. Саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар боис кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Жорий йилда биргина аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар доирасида фермер хўжаликларида пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш баробарида қайта ишлаш, савдо, маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш каби тармоқлар юзага келмоқда.

Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишда вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари депутатлари фаоллигини ошириш зарур. Депутатлар ўз фаолиятларида қонун устуворлигига суяниб иш ташкил этишса, мамлакат равнақи, ҳудудлар ривожи учун салмоқли ишларни амалга ошириш имкониятлари кенгайиб бораверади.

Семинар-тренингда Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

**Қобилжон АСҚАРОВ**

---

Фарғона Вилояти

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

## Аҳиллик ободликка йўл очмоқда

**Риштон туманидаги Зоҳидон шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Эркинжон Абдуллаев ўтган йили "Энг фаол маҳалла раиси" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, фахрли ўринлардан бирини қўлга киритган, шаҳарча милиция таянч пункти эса вилоятда "Энг намунали милиция таянч пункти" сифатида эътироф этилганди.**

Айни пайтда ҳудудда олтита маҳалла фуқаролар йиғини фаолият олиб бораётир. Мазкур маҳаллаларда белгиланган дастур доирасида аҳолининг тинчлик ва осойишталигини сақлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида намунали ишлар олиб борилмоқда.

– Ҳудудимизда битта коллеж, олтита умумтаълим мактаби, бешта мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатади, – дейди Зоҳидон шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Эркинжон Абдуллаев. – Ўқув даргоҳларининг аксариятида замонавий спорт заллари мавжуд бўлиб, уларда малакали мураббийлар томонидан спортнинг турли йўналишлари бўйича тўгараклар ташкил этилган.

Зоҳидон аҳли азалдан деҳқончилик билан шуғулланиб, шунинг ортидан рўзғорларига қут-барака киритиб келишади. Шу боис, айни баҳорнинг илк кунларида Зоҳидонда бўлган киши кўчада бекор юрган одамни учратмайди. Кимдир узум ток тараётган, кимдир дарахтга шакл бераётган, яна кимдир иссиқхонада кўчатларга ишлов бериш билан банд бўлади.

– Эсимни танибманки, томорқачилик билан шуғулланаман, – дейди Ёшлик маҳалласида истиқомат қилувчи Тўлқинжон ака Бобожонов. – Шу боис, ҳар йили ўн уч сотихлик томорқамдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Қиш фаслида плёнка остида кўкат етиштириб, салкам уч миллион сўмлик даромад эгаси бўлдик. Кунлар илиши биланоқ, иссиқхонада парваришланаётган бодринг кўчатларини яна плёнка остига экиб, эртаги бодринг етиштирамиз. Ўтган йили олти миллион сўмлик бодринг сотиб, оила бюджетини мустаҳкамлаб олган эдик. Бодрингдан бўшаган майдонга ҳар йили



*Томорқачи Тўлқинжон ака Бобожонов ва агроном Мираҳмад Раҳмонов иссиқхонада парваришланаётган бодринг ниҳолларини кўздан кечиришмоқда.*

маккажўхори экиб, ундан ҳам яхшигина фойда кўрамиз. Қарамоғимиздаги сигирлар озуқаси ҳам ўзимиздан чиқади. Турмуш ўртоғим Анорхон, ўғилларим Давлатжон, Умиджон ва Иқболжонлар иш ва ўқишдан бўш пайтларида томорқа юмушларини бажаришда менга кўмакдош бўлишади. Ерга меҳр бериб, меҳнат қилишдан ҳам роҳат, ҳам даромад оламиз.

Зоҳидоннинг катта-кичик кўчалари, маҳалла гузарларини айланар эканмиз, бу ердаги ободончилик, яратувчанлик ишларини кўриб, кўнглимиз чоғ бўлди. Бир-биридан кўркам ва замонавий турар-жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари киши кўзини қувнатади.

Демак, қаердаки аҳиллик, ташаббускорлик бўлса, шу ерда ободлик, тараққиётга йўл очилади. Зоҳидонликлар ҳам ҳар соҳада ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиб, ҳудуд чиройига чирой қўшиш баробарида турмушлари фаровонлигини таъминлашмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

---

Бухоро Вилояти

**Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилиши қишлоқ хўжалигида туб бурилиш ясаб, соҳада ижобий натижаларга эришишда ўзига хос омил бўлди. Фаолиятнинг ушбу тури билан шуғулланаётган қишлоқ мулкдорларининг ерга нисбатан муносабати ўзгарди. Деҳқонда ерга, мулкка эгалик ҳисси ортди. Юқори ҳосилдорликка эришиш мақсадида илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, далага ишлов беришнинг мақбул йўлларини топиш, пировардида кам харажат қилиб, кўпроқ фойда кўриш ҳаракатлари кучайди.**

■ **Холиқ ЧЎЛИЕВ,**
*Бухоро вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи.*

## ЁШ ФЕРМЕРЛАР

### УЛАР ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УСТУВОР ВАЗИФА

Ўз ўрнида, соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, фермер хўжаликлари ташкил этиш тартиби, ерларни фермер хўжаликларига ижарага бериш муддатлари қайта кўриб чиқилди. Моддий-техник, ҳуқуқий-шартномавий базани мустаҳкамлаш, кўрсатиладиган хизмат турлари сифатини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида Фермерлар кенгашининг ташкил этилиши қишлоқ мулкдорлари томонидан илиқ кутиб олинди.

Албатта, ҳар бир жабҳада бўлгани каби аграр соҳа истиқболини ҳам ўсиб келаётган ёш авлод белгилаб беради. Шу боис, мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга йўналтириш, улар учун мақбул иш ўринлари яратиш, хусусан, ташаббускор ва интилувчан ёшларни қишлоқ хўжалигига жалб этиш, улардан соҳа учун жонкуяр, малакали кадрлар тайёрлаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Бухоро вилояти прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича вилоят комиссияси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ёшлардан иборат фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш, шу асосида янги иш ўринлари ташкил этиш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши таклифидан келиб чиқиб, 2012 йил 13 декабрда вилоят ҳокимининг "Вилоятда ёшлар томонидан фермерлик фаолиятини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан ишчи гуруҳи тузилди ва амалга ошириладиган ишлар юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ишчи гуруҳи зиммасига вилоятнинг барча туманларида захирага олинган экин майдонларида танлов асосида, белгиланган тартибда касб-ҳунар коллежини битирган ташаббускор ёш қишлоқ хўжалиги мутахассислари раҳбарлигида фермер хўжаликлари ташкил этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаолиятларини қийинчиликсиз бошлашлари учун амалий ёрдам кўрсатишдан иборат бир қатор вазифалар юкланди.

Унга кўра, туманлар ҳокимлари зиммасига захирага олинган экин майдонларида касб-ҳунар коллежларини битирган ташаббускор ёш мутахассислар раҳбарлигида фермер хўжаликлари ташкил этиш, уларга тажрибали фермерлар, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари раҳбарларидан вакиллар бириктириш юклатилган бўлса, шартномалар тузиш, иш фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқий, амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари вилоят Фермерлар кенгашига юклатилди. Шунингдек, белгиланган тартибда ҳисобрақамлар очиш, кредит асосида маблағ билан таъминлаш бўйича тижорат банкларига, лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникаларини етказиб бериш бўйича "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компанияси вилоят бўлимига аниқ вазифалар белгиланди. Бундан ташқари, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари зиммасига ўз ваколатлари доирасида тегишли топшириқлар берилди.

Вилоят прокуратураси кўрсатмаси асосида юқорида қайд қилиб ўтилган вазифаларнинг мутасадди идоралар томонидан бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш йўлга қўйилди.

Ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида ҳар бир туманда ёшлар раҳбарлик қилаётган фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ёш мулкдорларга ер майдонларини ажратиб бериш ҳақидаги қарорлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар туман фаоллари, кенг жамоатчилик иштирокидаги йиғилишда топширилди.

Уларга жами 904,3 гектар ер майдонлари ажратиб берилди. Ташкил этилган фермер хўжаликлари нафақат пахта ва ғаллачилик соҳаларида, балки боғдорчилик, чорвачилик, балиқчилик ва асаларичилик йўналишларида ҳам фаолият олиб боради.

Албатта, келгусида бундай фермер хўжаликлари сонини кўпайтириб, хизмат кўрсатувчи корхоналар билан улар ўртасидаги ўзаро шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, молиявий томондан қўллаб-қувватлаш масалаларида амалий ёрдам кўрсатиш зарур бўлади. Шу боис, бу борадаги саъй-ҳаракатларни ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалиги соҳасини янада юксалтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси томонидан доимий равишда амалий ишлар олиб борилади.

Жиззах Вилояти

▼ ИНТИЛИШ

# Минг қўйли ва юз қорамолли мулкдор

## У САҲРОДА ҲАМ БОҒ ЯРАТИБ, ЧЎЛНИ ОБОД ЭТМОҚДА

**Мулкдорнинг исми-шарифи — Нурмуҳаммад Эсонов. Мингдан зиёд қўй-қўзиси ва юз бош қорамоли бор. Манзили эса, қадим Мирза даштининг адоғи ва Қизилқум саҳросининг бошланиш жойи. Бу жой аниқ бир ном билан аталмайди ҳам. Мирзачўлни ўзлаштириш йилларида мутахассислар бу ҳудудни обдон ўрганиб, “Кўчма қум барханлари кўп, бунинг устига кўчмайдиган тупроқ қатлами ҳам деярли қум бўлиб, камҳосилли юмшоқ қатлам экан, шу боис, бу ерларни ўзлаштиришга сарфланадиган пул ўзини оқламайди”, деган хулосага келишган.**

Ҳозирги пайтда “Мирзачўл файз саховат” фермер хўжалигига раҳбарлик қилаётган Н.Эсонов бундан беш йил бурун Мирзачўл туман ҳокими Мирзасултон Бобобеков ҳузурига “Қарамоғимда 60-70 бош жайдари қўй ва 15 бош қорамолим бор, уларни боқиш ва кўпайтиришим учун чўл ҳудудидан 100 гектарча ер беринг”, деган ариза билан кирганида, у жилмайиб қўйган ва “Майли, қанча гектар олсангиз ҳам берайлик, лекин у ерларда ўт-ўлан, бута ва баъзи озуқабоп ўсимликлар ўсса-да, ёзга етмай қуриб қолади, бунинг устига сув бормаган. Фермер хўжалигингиздан ҳар йили яхшигина фойда оляпсиз, бунинг устига, мўъжазгина чойхона-ошхонангиз, турмуш ўртоғингиз Сайёрахон юритаётган дўконингиз бор. Шундай экан, бу ортиқча ташвиш ва меҳнатларнинг не кераги бор?” деб қўшимча қилганди.

Аслида туман ҳокими Нурмуҳаммадни ниятидан қайтармоқчи эмас, балки қатъиятини синаб кўраётган эди.

— Ҳа, энди шу даромадларни кўпайтириб, элга наф келтирайлик, деяпман-да, — деган эди ўшанда Нурмуҳаммад.

— Ахир, сиз яйлов сўраётган жой “Ўзбекистон” сув истеъмолчилари уюшмасидан ҳам, уюшмадаги фермер хўжалигингиздан ҳам 40-50 километр узоқда бўлса... Ё фермерликни топширасизми?

— Йў-ў-ўқ... ахир оилада кўпчиликмиз-ку? Фермерликни ҳам, чорвадорликни ҳам бажараверамиз. Бунинг устига, қишлоқдан укаларим келишади.

Шундай қилиб, ерни олган орзуманд йигитнинг биринчи иши иккита тракторидан биттасини, “Нексия”сини сотди-да, ўша йили ғаллачилик ва пахтачиликдан келган даромадига қўшиб, бирйўла 100 бош жайдари тўхлилар сотиб олди. Арнасой сув омборидан саҳро орқали Дўстлик туманига сув элтувчи канал бўйидан қулайроқ жой танлаб, қирғоғига ёнилғи билан ишлатиладиган насос ўрнатди. Сўнг 15 километр узунликда



*Нурмуҳаммад Эсонов укаси Абдулла билан навбатдаги ишлар хусусида маслаҳатлашмоқда.*

пластмасса қувурлар ётқизилди.

Ҳудуднинг кўчма барханлар босиб қолмайдиган тепароқ жойидан 5 гектарини чуқур шудгорлатди. Турли хил кўчатлар келтириб, уларни фарзандлари Дилшоджон, Отамуроджон, Севараой ва турмуш ўртоғи Сайёралар ёрдамида экди.

— Минг йиллаб қақраб ётган жой эмасми, қатор оралари ариқларини сувга тўлдириш жуда қийин бўлди, — дейди ўша кунларни эслаб Нурмуҳаммад. — Ишонсангиз, баъзан ўн соатлаб насос ишлатишга тўғри келганди. Беш гектар ердаги кўчатларни ҳамал сувига қондириш учун озмунча ёнилғи кетдими?! Лекин омадни қарангки, барча кўчатлар тез кўкариб, саҳрони яшнатиб юборди.

Нурмуҳаммаднинг ўша беш гектар боғи бултур 7 гектарга етди.

— Қўй ва қорамолларимиз кўпайиб, фермамизга барака ина бошлади, — деб гапларини давом эттиради Нурмуҳаммад Эсонов. — “Қўй келади қўзи билан, бир-бирининг изи билан”, деганлари рост экан. Айни пайтда минг бошдан зиёд қўйимиз ва юз бош қорамолимиз бор. Ҳозир ҳам каналдан насос орқали сув оламиз. Яқинроқ бориб жойлашай десак, экологик жиҳатдан ҳам, чорва моллари хавфсизлиги бўйича ҳам мумкин эмас. Лекин моллар тез кўпайяпти. Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар, фермер ва тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, шундай натижаларга эришяпмиз. Бунга жавобан, ўтган уч йил мобайнида қишлоғимизнинг ўнта кам таъминланган оиласига сигир-бузоқ бердик.

— Чорва молларингиздан олинаётган маҳсулотларни нима қиляпсиз?

— Бироз вақт сутни тасарруф қилиш қийин бўлганди. Аҳоли яшаш манзилидан ҳам, сув омборидан ҳам анча олис яшаймиз. Ҳеч ким барханлар ошиб, сут олишга келмайди. Шунда “Дамас” автомашинаси сотиб олдик-да, аввал сув омбори қурувчиларига, яқинроқдаги қишлоқларнинг боғчаларига ташиб бера бошладик. Сўнг туман марказий шифохонаси ва болалар боғчаларига етказиб бердик.

Тўғри, сутни пишириб сариёғ, қатиқ, чакки ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйганмиз, лекин 50-60 бош сигирнинг сутини қўлбола усулда қайта ишлаш ва сақлаш анча қийин. Айниқса, ёз ойларида улар тез ачийди. Шунинг учун, Гулистон, Тошкент шаҳарларига сариёғ ва чакки етказиб берувчилар билан келишиб олдик. Улар бирмунча арзонлигидан, биз эса маҳсулотлар ачиб қолмаслигидан хурсандмиз. Бу йил Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида битта ихчамгина сутни қайта ишлаш корхонаси қуриш ниятимиз бор. Кредит ҳужжатларини расмийлаштиряпмиз. Ярми кредитдан, ярми ўз ҳисобимиздан. Тошкентга бориб, технология ҳам танлаб келдик. Германияликларнинг ихчамгина дастгоҳлари жуда ёқди. Чорва молларимиз кўпайиб, келажакда даромадларимиз оша бошласа, жун ва терини қайта ишлайдиган бирор корхона барпо этишни ҳам ният қилганмиз.

Фермер хўжалигимиз ҳисобидаги ерларни кенгайтириб, илгариги 45 гектардан 80 гектарга етказганмиз. Ҳар йили ғалла ўрилгач, ўрнига озуқабоп экинлар экиб, чорва қишлови учун емиш ғамлаб оламиз. Деҳқонлар “етмиш кунлик”, деб атайдиган тезпишар маккажўхорининг ҳар гектаридан 50-60 центнергача дон ва кўплаб силос жамғарамиз. Бундан ташқари, 1200 туп мевали дарахт кўчатлари келтирдик. Чўлдаги “Саҳро садафи” боғимизни 10 гектарга етказмоқчимиз.

Фермер хўжалиги далаларидаги ишлар ҳам намунали ташкил этилган. Жумладан, 40 гектар майдондаги ғаллазор гектарига 200 килограммдан маъданли, 600-700 килограммдан маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилган ҳолда, суғориб чиқилди. Айни кунларда хўжалик сувчилари қиш давомида ҳар гектар ҳисобига 2 тоннадан хандақларга бостирилган фекаль ва маҳаллий ўғит компостларини “шарбат” усулида оқизишга ҳозирлик кўришяпти. Пахта етиштириладиган 38 гектар ер майдонларини икки марта яхобга қондириб, текислаб қўйганларига анча бўлди.

— Бу йил иккала соҳа бўйича ҳам мўлжални баланд оляпмиз, — дейди фермер Нурмуҳаммад Эсонов. — Ҳар гектар ғаллазоримиз ҳосилдорлигини бултурги 46 центнердан 55 центнерга, пахтазоримиз ҳосилдорлигини ўтган йилги 28 центнердан 32 центнерга етказмоқчимиз. Обод турмуш йилида маъмурчиликка сут, гўшт, ғалла ва пахта етиштириб бериш билан ҳисса қўшамиз. Бундан ташқари, бу йил Наврўз байрами кунларида яна уч оилага сигир-бузоқлар ва беш оилага қўй-қўзилар туҳфа этмоқчимиз.

Ниятимиз деҳқончилигингизга ҳам, чорвачилигингизга ҳам барака берсин. Боғингиз яшнаб, саҳрони бўстонга айлантиринг, деймиз!

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

**Вилоятимизда турли хил бебаҳо дарахтлар ўсади, уларнинг ҳар бири ўзига хос. Воҳамиз кам ўрмонли ҳудудлар тоифасига кириб, иссиқ иқлимли вилоят ҳисобланади. Шундай бўлса-да, вилоятимизнинг 276109 гектар майдони Давлат ўрмон фонди ерлари бўлиб, шундан 116460 гектари ўрмон билан қопланган майдонлардир. Шулардан 108 261 гектари табиий ўрмонзорлар. Тоғ ҳудудидаги табиий ўрмонзорлар асосан Зарафшон арчаси, заранг, дўлана, ёнғоқ, писта, ёввойи бодом, олма, тоғолча, ирғай, учқат, наъматак ва бошқа дарахт ва буталардан иборатдир.**

# ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ — ЎРМОН

## *Бу мўъжиза бойликларга кон*



**Раъно БОЗОРОВА,**
*Қашқадарё вилоятидаги марказий давлат ўрмон хўжалиги Бош директори вазифасини бажарувчи.*

Зарафшон арчаси тоғ ён бағирларида, денгиз сатҳидан 2600-2800 метргача баландликда ўсиб, тупроқни муҳофаза қилиш ва сувни сақлаб туриш вазифасини ўтайди. Бир гектар майдондаги арча дарахти ўзидан 30 килограмм миқдорида инсон саломатлиги учун хавфли бўлган ҳар хил микробларни ўлдирувчи фитонцид моддаси ишлаб чиқаради. Чўл ҳудудларида ўсадиган саксовул ва юлғунзорлар иқлимни мўътадиллаштиришда, гармсел шамоллари ва қум кўчкиларининг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир.

Таҳлиллар шундан далолат беряптики, ўрмончиларимиз яшил бойликни муҳофаза қилиш билан бирга унинг майдонини ҳам кўпайтирмоқдалар. Биргина 2012 йилда 1530 гектар майдонда ўрмонзорлар барпо қилинди. Дарахтзорлардаги сийрак жойларни тўлдириш учун 1484 туп дарахт кўчатлари экилди. 278 километр суғориш тармоқлари қурилиб, 1620 километр ариқ-зовурлар таъмирланди. 4 тонна 700 килограмм маданий дарахтлар уруғи тайёрланди. 12,5 гектар майдонда уруғдан ниҳол етиштирилди. 15 гектар майдонда кўчат қаламчалари ўтқазилди.

Етти хазинанинг бири – асаларичиликни ривожлантириш ўрмон хўжалиги ходимлари зиммасига юкланган бўлиб, бу соҳада ҳам муваффақиятлар кўлами салмоқли бўлди. 334 асалари уяси парвариш қилиниб, 5 тонна 304 килограмм маҳсулот олинди. Буни 2011 йил натижаларига таққослайдиган бўлсак, тўрт баравар ортиқдир. Бундан ташқари, ўтган йилда қарийб 9,5 тоннага яқин мева ҳосили олинди.

Обод турмуш йилида 5 тонна ҳар хил турдаги дов-дарахтлар уруғи етиштирилади. 1600 гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилади. 14 гектар ерда уруғдан кўчат, 17 гектар майдонда эса қаламча ва кўчат етиштирилади. Шўртан ва Муборак ўрмон хўжаликларида қум, барханлар ўрнида саксовулзорлар барпо этилади. Тоғларда кўчкиларнинг олдини олиш учун Деҳқонобод, Китоб, Жовуз, Яккабоғ ўрмон хўжаликларида бодом дарахти ва Зарафшон арчаси кўпайтирилади. Жорий йилда кўчат етиштириб, уни сотиш ва яйловларни ижарага бериш орқали иқтисодий соҳада ҳам юксалиш таъминланади. Асаларичиликни янада ривожлантириш орқали уялар сонини 10 фоизга ошириш ва 367 тага етказиш режалаштирилган.

Ўрмон хўжалиги соҳасида ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда қонунбузарликнинг олдини олиш борасида катта кўламдаги ишларни олиб боряпмиз. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиш зарур. Кесилган дарахт зарари қопланиши мумкин, бироқ бир дона арча ниҳолини экиб, уни дарахт даражасига етказиш учун кўп вақт кетади. Бир дона арча дарахти ишлаб чиқарадиган тоза ҳаво, илдизи орқали ушлаб турадиган тоза сув бебаҳо бўлиб, унинг ўрнини тўлдириш қийин.

Афсуски, кейинги вақтларда ўрмон хўжаликлари яйловларида мол боқиш авж олди. Натижада ўрмонзорларнинг табиий кўпайиши сусайиб кетяпти. Дарахтдан тушган уруғдан униб чиққан ниҳол чорва моллари томонидан пайҳон қилинади. Барча диққат-эътибор шу каби муаммолар ечимини топишга қаратилмоқда. Биз бу йўлда бутун куч, билим ва тажрибамизни аямаймиз.

Сурхондарё Вилояти

# ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАСИ

## «ГРАНД ШИФЕР»НИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИДА ЯНА БИР БОР НАМОЁН БЎЛМОҚДА

**Термиз шаҳридаги “Гранд шифер” қўшма корхонаси инвестиция шарофати билан равнақ топаётган корхоналардан. Бир неча йил олдин бу ерга Буюк Британиянинг “ATLANTA CORPORATION L.P.” компаниясининг 4 миллион 87 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармояси киритилиб, йилига 1,6 миллион дона саккиз тўлқинли шифер ишлаб чиқариш қувватига эга дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Корхонанинг Ўктам Эшқобилов, Дилмурод Тўхташев, Шавкат Хушбоқов ва Ёқуб Шодиев каби ходимлари Қувасой шифер корхонасида малака ошириб қайтишди.**

Ушбу дастгоҳларни яқин кунларда олиб келиб ўрнатиш ва жорий йилнинг июль ойидан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Жорий йилнинг иккинчи ярмида 32 миллиард 400 миллион сўмлик шифер маҳсулоти ва қурилишбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Бу ўтган йили жами тайёрланган маҳсулот ҳажмидан уч ярим баравардан кўпроқдир. Натижада корхонада қўшимча равишда 235 та янги иш ўрни яратиш имкони пайдо бўлади. Янги иш ўринларини эса коллеж битирувчилари эгаллаши мўлжалланмоқда.

Корхонанинг келгуси истиқболлари янада қувончли. Бу ерда шу йилнинг сўнгги чорагидан бошлаб ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган. Демакки, “Гранд шифер” қўшма корхонаси жамоаси ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулот билан тўлдириб, ишончни оқлади.

2011 йилнинг июнь ойида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўша йил охирига қадар салкам 671 минг дона шифер, яъни 4 миллиард 539 миллион 240 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.



Ўтган йили 970 минг дона шифер ишлаб чиқарилди. Айни пайтда 85 нафар ишчи-хизматчи ва муҳандис-техник ходим меҳнат қилаётган корхонада кунига ўртача беш минг донагача шифер тайёрланяпти.

Корхонада иш уч сменада ташкил этилган. Абдували Қодиров, Дилмурод Тўхташев, Нургелди Пириев каби усталар, сараловчи Рамзиддин Аллаёров, операторлар Икром Мусаев, Аваз Нурмаматов, пайвандчи Абдусаттор Расулов, машинист Акмал Ражабов, Фаррух Абдусаматовлар бошқаларга намуна кўрсатиб ишлашмоқда.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларга кенг кўламдаги имтиёз, афзаллик ва енгилликлар берилди, — дейди “Гранд шифер” корхонаси директори Улуғбек Эргашев. — Бунинг самарасини корхонамизда яққол кўриб турибмиз. Инвестиция жозибаси ошиб бораётгани боис, “ATLANTA CORPORATION L.P.” компанияси корхонамизга киритилган сармояга яна қўшимча равишда 2 миллион 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция киритди. Инвестиция сармояси ҳисобига Хитой давлатидан йиллик қуввати (ҳозир ишлаб турган дастгоҳлар қувватидан икки баравар кўп) 3 миллион 240 минг дона шифер ишлаб чиқаришга тенг бўлган янги серунум дастгоҳлар, умумий қиймати 638 минг АҚШ доллари бўлган профнастил, металл черепица, профил ва сув қувурлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тўртта дастгоҳ сотиб олиш учун шартнома тузди.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сирдарё Вилояти

▼ ПАРРАНДАЧИЛИК

**Мирзаобод тумани Тошкент маҳалласида яшовчи тадбиркор Баҳром Бозорбоев 2012 йилда “Микрокредитбанк”нинг Сирдарё вилояти филиалидан 10 миллион сўм кредит олиб, 16 мингта жўжа очириш қувватига эга инкубаторияни ишга туширди. Ўтган йили Мирзаобод тумани аҳолиси ва гулистонликларга 10 мингтадан ошиқ жўжа етказиб берди.**

# ИШНИНГ «КЎЗИ»НИ БИЛАДИГАН ФЕРМЕР

Обод турмуш йилида тадбиркор эзгу ишларини давом эттириб, “Баҳром Бозорбоев” паррандачилик фермер хўжалигини ташкил этди. Туман ҳокимлиги эса тадбиркорни қўллаб-қувватлаб, паррандаларга озуқа — маккажўхори ва буғдой етиштириши учун “Тошкент” СИУ ҳудудидан 10 гектар ер ажратиб берди. Айни вақтда “Баҳром Бозорбоев” паррандачилик фермер хўжалигида “РОСС-302” бройлер зотли 2,5 мингта жўжа парвариш қилинаётир.

— Гўшт етиштиришга ихтисослаштирилган товуқлар тухумини “Гулистон паррандa” МЧЖ ва Тошкент вилоятидаги паррандачилик хўжаликларидан келтириб, инкубаторияга қўйгандик, — дейди Баҳром Бозорбоев. — Айни пайтда очиб чиқарилган жўжаларни парваришлаяпмиз. Наврўз байрами арафасида парранда гўшти сотишни бошлаймиз. Бундан ташқари, бу йил Мирзаобод туманида фаолият бошлаган хотин-қиз тадбиркорлар ва кўп тармоқли фермер хўжаликларига инкубаториямизда 160 мингта жўжа очириб, етказиб берамиз.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

## ЗАМОНАВИЙ ВА ТЕЗКОР СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИГА ҲАМ БЕВОСИТА БОҒЛИҚ

«ЎЗАГРОСУҒУРТА»
ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ (ОАЖ)

**Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда суғурта хизматларининг ўзига хос ўрни бор. Зеро, суғурта ташкилотлари орқали қишлоқ хўжалиги субъектларига кўрсатилган тезкор ва сифатли хизмат уларнинг фаолиятини турли эҳтимоллардан ҳимоялаш баробарида, ишига барака ҳам бағишлайди. Шу боис, кейинги йилларда “Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компанияси ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда суғурта шартномалари, йиғилган мукофот ҳамда суғурта товонларини қоплаш борасидаги фаолиятини тобора кенгайтирмоқда. Бугунги кунда фермер хўжаликларига қулайлик яратиш мақсадида республикамизнинг ҳар бир туманида суғурта марказлари ташкил этилаётгани, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларидан ўриндош агентлар ёлланаётгани шундан далолат беради.**

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ёнғин, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқ чўкиши, яшин уриши, қалин қор ёғиши, гармсел, сув тақчиллиги ёки экинларнинг биологик касалликлар билан зарарланиши сингари табиий қалтисликлардан суғурталанади.

Ўтган йили компаниямиз томонидан бу каби ҳодисалар бўйича 7 миллиард 641,6 миллион сўмдан ортиқ суғурта товони тўланган бўлса, шундан фермер хўжаликлари экинлари ҳосили суғуртаси бўйича тўланган маблағ 2 миллиард 202,5 миллион сўмни, чорва моллари суғуртаси бўйича 42,5 миллион сўмни ташкил этди.

Масалан, пахта ҳосили учун Хива туманидаги “Музаффар Мухлиса” фермер хўжалигига 13,9 миллион сўм, Кармана туманидаги “Гўзал Маржона” фермер хўжалигига 10,8 миллион сўм, ғалла ҳосили учун Қўштепа туманидаги “Муҳаммад Бобур Саидлар ери” фермер хўжалигига 12,2 миллион сўм суғурта товонлари тўланди.

Бундан ташқари, Бўстонлиқ туманидаги “Усмон ота” фермер хўжалигига картошкадан кам ҳосил олганлиги сабабли 16,8 миллион сўм, чорва моллари нобуд бўлганлиги учун Нуробод туманидаги 3 та хўжаликка 18,5 миллион сўм миқдорида суғурта маблағлари ажратилди.

Компаниямизда, шунингдек, бошқа йўналишларда тузилган суғурта шартномалари бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Оҳангарон туманида яшовчи Илёс Омоновга гаровга қўйилган транспорт воситаси зарари учун 15 миллион сўм, Андижон вилоятидаги “Ҳақиқат агротехсервис” ММТПга лизингга олинган транспорт воситаси зарарланганлиги учун 20,8 миллион сўм, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси бўйича жабрланганларга кўмак бериш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясига 360,8 миллион сўм, Тошкент трактор заводига 12,4 миллион сўм, “Навоий азот” ОАЖга 62,9 миллион сўм, Бўка туманидаги 23-сонли умумтаълим мактабига 11 миллион сўм миқдорида суғурта пуллари тўлангани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Қолаверса, ишбилармонлар манфаатини ҳимоялаш йўлида “Тадбиркор”, “Соғлом авлод” ва “Фаровон ҳаёт” деб номланган махсус акциялар жорий этилгани соҳа вакилларини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўляпти. Келгусида бу борадаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида бир қатор лойиҳалар жорий этилади. Булар сирасига кичик бизнес субъектларига оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун берилган микрокредитларни, такрорий экинлар ҳосилини суғурталаш, фермерларнинг мурожаатлари асосида пахта ҳосили суғуртаси бўйича муддатларни узайтириш ҳисобига қўшимча суғурта шартномалари тузиш ва компания тизимида қайта суғурталаш фаолиятини йўлга қўйиш хизматларини киритиш мумкин.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида субъектлар ўртасидаги муносабатлар ўзаро тузилган шартномалар асосига қурилади. Шу маънода, суғурта тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш томонларнинг шартномавий муносабатларини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Ҳошим ТИЛОВОВ,**
*“Ўзагросуғурта” давлат акциядорлик суғурта компаниясининг суғурта даъволари департаменти бош менежери.*



**Бугун 1 март – баҳорнинг илк куни. Ўзбекистон халқ шоираси, таниқли жамоат арбоби, бахт-саодат куйчиси Зулфияхоним таваллуд топган кун. Бу сана муносабати билан ҳар йили жойларда турли тадбирлар, адабий кечалар ўтказилади. Пойтахтимизда эса адабиёт ихлосмандлари, Зулфияхонимнинг шогирд ва издошлари, кенг жамоатчилик вакиллари шоирани хотирлаб унинг ҳайкали пойига гулдасталар қўйиши анъанага айланган. Юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш, айниқса, иқтидорли қизларнинг адабиёт, санъат, фан ва таълим, маданият соҳаларида эришган ютуқларини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳам шоира ижодига бўлган эҳтиром белгисидир. Юртбошимиз таърифи билан айтганда "Зулфия мунис ва меҳнаткаш, ҳаётнинг ҳар қандай сурон ва тўфонлари қаршисида ўзини йўқотмай, сабр-тоқат ва шукроналик билан яшайдиган ўзбек аёли, ўзбек шоирасининг тимсолидир".**

# Баҳор мудом уни сўроқлар...

**Навбаҳор РАҲМОНОВА,**
*Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.*

Қишнинг қаҳри кетиб, кўклам шабадалари эса бошлади, она замин кўксида қимтиниб ниш ураётган майса ва гиёҳлар – баҳор даракчиси.

Табиатдан қиёс олган кўнгилларда ажиб сурур, бахтиёрлик. Ахир соғиниб кутганимиз, соҳир саҳарларда ифору тафтини дилдан ҳис қилганимиз – баҳор келди.

Шеърларининг ҳар сатри она алласидек сеҳрли, баҳор насимларидек ҳаётбахш ўзбекнинг ҳассос шоираси Зулфияхоним ҳам баҳорнинг илк кунида таваллуд топган эди. Балки, ҳар гал ушбу фаслнинг илк тонги садоқат тимсолига айланган Зулфияхоним шеъриятидаги меҳру вафо, садоқат, гўзаллик ва нафосатни изласа, не ажаб!

Ёниқ қалби ва метин иродаси билан барчага ибрат Зулфияхоним учун эл-юрт манфаати, халқнинг муҳаббати ҳар нарсадан устун бўлган. Қалбига илҳом солган шу юртга меҳрини "дунё ичра топган дунёмсан", дея эъзозлаган мисраларидан, қалб қувончларидан англаш мумкин.

***Ўзинг ташна этдинг,***
***ўзинг сув тутдинг,***
***Қалбимдаги саҳром,***
***дарёмсан, халқим!***
***Сени сева-сева мен***
***бойиб кетдим,***
***Дунё ичра топган***
***дунёмсан, халқим.***

Зулфияхонимнинг халқига муҳаббати бугун эъзозу эҳтиром бўлиб ўзига қайтди. Юздан зиёд қизларнинг шоира сиймоси туширилган кўкрак нишонини ажиб меҳр билан тақишлари юртимизда аёлни улуғлаш, эъзозлашнинг ўзига хос рамзидир.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда ўрнатилган Зулфияхоним ҳайкали ҳассос шоирага кўрсатилган чексиз ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир.

Баҳорнинг илк кунида бу қутлуғ майдонга кўнгли фахр-ифтихор туйғулари билан лиммо-лим, гўзаллигу нафосатга ошуфта "Зулфияхоним қизлари"нинг, адабиёт ва шеърият ихлосмандларининг, кенг жамоатчилик вакилларининг жамулжам бўлишларида ўзига хос маъно, ҳикмат мужассам.

Чунки ҳар гал Зулфияхонимни сўроқлаб келгувчи баҳор эпкинлари бундан таскин топса, не ажаб!



*Зулфия*

## ДЕМАК, БАҲОР КЕЛДИ...

*Синди қиш тўқиган муз ҳисли қафас,*
*Мана, яна қушлар чуғурлаб қолди.*
*Она нигоҳидай мулойим нафас*
*Замину Осмонни бағрига олди,*
*Демак, баҳор келди.*

*Бу нафасдан ерда кекса-ю ёшнинг*
*Одим, чеҳрасида эзгу рўшнолик.*
*Дов-дарахт кияжак зилол либоснинг*
*Зилол барин тутиб югурар шодлик.*
*Демак, баҳор келди.*

*Келар деб шу сийқа қадим йўл билан,*
*Эзгу интиқликда кўпчибди тошлар.*
*Ел такрор, бетакрор илиқ қўл билан*
*Сочмоқда гулларга ишқдан қуёшлар,*
*Демак, баҳор келди.*

*Саховат момоси – тоғнинг кўксидан*
*Кўпириб, ҳайқириб сути тўкилмиш,*
*Зарраси сочилган музлар устида*
*Шошқалоқ ғунчалар чоки сўкилмиш,*
*Демак, баҳор келди.*

*Ҳамиша неъматга ҳомила тупроқ,*
*Тўлишган танини солмиш офтобга,*
*Деҳқон қулоғига таниш қўнғироқ –*
*Жарангдор куртаклар етибди тобга,*
*Демак, баҳор келди.*

*Яна бедор, маъсум тун оғушида*
*Одимлайди сирлар,*
*ширин шивирлар.*
*Бетобе шаббода нур ҳовучида*
*Юлдуздай сепмакда жоду, сеҳрлар,*
*Демак, баҳор келди.*

*Келди баҳор!*
*Кетар ташлаб уйғониш,*
*Бутун куррамизга битта баҳор у!*
*Одилми, қотилми – ҳар жонга таниш,*
*Меҳр маъбудаси наврўз-наҳор бу,*
*Ахир, баҳор келди.*

*Бу кун йўлларида олов кўп, зор кўп,*
*Жаҳонда қанча жон чиқмайди пешвоз.*
*Деҳқон уруғ сочсин,*
*ўқ сочмасин тўп,*
*Қувғин эллар қушдай юртга*
*қайтсин боз,*
*Ахир, баҳор келди.*

*Не масъуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу,*
*Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар.*
*Давлатлар!*
*Илтижо*
*фармон*
*исён бу!*
*Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар,*
*Баҳор боқий келсин!*

*Аянч тақдирларга бўлиб таянчлар,*
*Бахтлига ишонч у, бахтсизга толе.*
*Абад қонунидир элтмоқ севинчлар,*
*Қабоҳат, ҳунрезлик бўлмасин моне,*
*Баҳор боқий келсин!*

*Ўқ отган кемалар денгизга ботиб,*
*Чирисин!*
*Тин олсин эллар, оламлар.*
*Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,*
*Баҳор каби қайтиб келмас одамлар!*
*Баҳор боқий келсин!*




# Гид ҳам таржимон, ҳам тарихчи

**Ер юзининг сайқали дея таърифланадиган Самарқанд шаҳри барча даврларда дунё аҳлининг эътиборида бўлиб келган. Шу боис, кўплаб сайёҳлар бу қадим шаҳарни кўришни орзу қилишган. Мустақиллик йилларида Самарқандга келаётган сайёҳлар сони янада ортди. Шунинг баробарида, сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш, уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш учун жиддий эътибор қаратила бошланди. Саёҳатчиларнинг кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳар тарихи, бугуни, аҳолиси, урф-одатлари ва анъаналари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишларида гид-таржимонлар ёрдамлашиб келмоқда.**

"Ўзбектуризм" миллий компанияси Самарқанд вилояти минтақавий бўлими бошқарувчиси Илҳом Сувонов шундай дейди:

– Ҳозирда Самарқанд шаҳрида 160 дан зиёд туристик фирма ва меҳмонхоналар фаолият олиб бормоқда. Ушбу субъектларнинг ҳар бирида маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатувчи гид-таржимонлар, экскурсоводлар бор. Шунингдек, вилоятимиздаги тарихий-маданий обидалар, музейларда ҳам ушбу вазифани бажарувчи ходимлар фаолият юритади. Албатта, улар компаниямиз қошидаги ўқув-консалтинг маркази томонидан аттестациядан ўтказилиб, зарур маълумотлар билан таъминланади, билим ва тажрибасини ошириш чоралари кўрилади. Шу асосда тегишли малака сертификатлари берилади. Афсуски, баъзи туристик фирмаларда гидларнинг фақат тил билиши эътиборга олинаётганлиги оқибатида юртимиз тарихи, маданияти турлича талқин этилишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бўлимимиз қошида гидлар ассоциациясини ташкил этиш ҳаракатидамиз.

Вилоятда гидларнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш чоралари белгиланган. Унга кўра, ўтган йили Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси томонидан "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан ҳамкорликда гид-экскурсоводлар тайёрлаш ўқув маркази ташкил этилди.

– Самарқанд азалдан дунё тамаддунига муносиб улуш қўшган маданият марказларидан бири ҳисобланади. Бундай тарихи буюк шаҳарлар дунёда бармоқ билан санарли, – дейди мазкур ўқув маркази раҳбари Фазлиддин Фахриддинов. – Сайёҳларга шаҳарнинг ўтмиши, тарихий обида ва иншоотлари, миллий ҳунармандчилик анъаналари тўғрисида аниқ маълумот беришда гидлар катта ўрин тутади. Лекин Самарқандда туристик фирма ва компаниялар, замонавий меҳмонхоналар кўп бўлса-да, гидлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланадиган марказ йўқ эди. Шунинг учун ўтган йили Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси қошида мазкур марказ фаолияти йўлга қўйилди.

Тўрт ойлик ўқув курсида машғулотларни олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, музей-қўриқхона ходимлари, сайёҳлик ташкилотлари вакиллари олиб боради. Марказда ўтган йили олтмиш нафарга яқин дастлабки тингловчилар гуруҳи ўқитилди ҳамда гид-экскурсоводлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сертификат берилди.

– Сартепа туризм ва маиший хизмат кўрсатиш коллежини битириб, вилоят музей-қўриқхонасида ишлаяпман, – дейди марказ тингловчиси Дилдора Абдуманнонова. – Иш жараёнида ўз мутахассислигим бўйича етарли билимга эга бўлсам-да, музейга келадиган сайёҳларга маълумот беришда қийналардим. Шунинг учун марказда ўқиб, билимларимни оширмоқдаман. Ўқиш жараёнида шунга ишонч ҳосил қилдимки, гид хорижий тилларни яхши билиш баробарида тарих, маданият, санъат, спорт, умуман, барча соҳалар бўйича бой билимга, юксак маданиятга эга бўлиши зарур экан.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




## РАССОМ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

**Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат тасвирий санъат музейида Ўзбекистон бадиий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рассоми Жўллибой Изентаев ижодига бағишланган кўргазма очилди.**

Жаҳонга машҳур музей коллекциясидан мусаввирнинг 90 дан зиёд асарлари, турли жанрлардаги картиналари, композициялари, турли касб эгаларининг портретлари ва натюрмортлари ўрин олган. Рассомнинг асарлари нафақат мамлакатимиздаги, балки Франция, Германия, Словения, Россия, Миср, Болгария каби чет мамлакатларнинг музейларида ташкил этилган кўргазмаларда ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда. Айниқса, "Қозон вокзали", "Нукус ҳовлиси", "Қишлоқ ҳаёти" каби расмлари, "Қумғон", "Гуллар" ва "Қовоқ" каби натюрмортлари томошабинлар томонидан эътироф этилди.

Кўргазмада таъкидланганидек, рассомнинг ижодий мероси миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ва рассомчилик санъатимизнинг ривожида муҳим аҳамиятга эга.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## ГАЗЧИЛАРНИНГ СПОРТ МУСОБАҚАСИ

«Ўзтрансгаз» АК томонидан тизимдаги корхоналар ишчи-ходимлари ўртасида Обод турмуш йилига бағишлаб спорт мусобақаси ташкил этилди.

Унда жамоалар баскетбол, арқон тортиш, югуриш каби спортнинг кўплаб турлари бўйича куч синашишди. Бундан кўзланган асосий мақсад ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда оилавий спортни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Ғолибларга компаниянинг эсдалик совғалари топширилди.

**О.ОЧИЛОВ**

○ Реклама ва эълонлар

Фермер хўжаликлари раҳбарлари, иссиқхоналар соҳиблари диққатига!

«ЕР МАЛҲАМИ» ВА БИОГУМУС – ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК МАНБАИ

Пахта, ғалла, шоли, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз экинлари ҳосилдорлигини камида 20-25 фоиз оширишни хоҳлайсизми?

Одатдагидан 15-20 фоиз кам харажат қилиб, экологик тоза ва юқори ҳосил олишни истайсизми?

Унда биологик соф ўғит – "Ер малҳами" ва биогумусдан фойдаланинг.

"Ер малҳами" ва биогумусни Хоразм вилоятидаги "Био ўғит" ишлаб чиқариш корхонаси етказиб беришга тайёр.




Манзил: Урганч шаҳри Саноатчилар кўчаси 12-уй.
Тел: (+998-91) 432-82-40; (+998-91) 435-28-80
Корхонанинг Тошкентдаги вакиллари телефонлари:
(+998-91) 433-64-40, (+998-90) 187-61-63,
E-mail: malham@inbox.ru

АГРОМАШ
ИП ООО «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»
ОБЪЯВЛЯЕТ СКИДКИ НА СЛЕДУЮЩУЮ ТЕХНИКУ И ЗАПЧАСТИ:
— ЗАПЧАСТИ К ТРАКТОРАМ ЛТЗ-60, КОМБАЙНАМ ЕНИСЕЙ,
— ГУСЕНИЧНЫМ ТРАКТОРАМ Т-4, ДТ-75, ВТ-150 И Т.Д.
— 4-Х КОЛЕСНЫЕ МИНИ ТРАКТОРА ВТЗ-2048 И Т30-69;
— ЗЕРНОУБОРОЧНЫЙ КОМБАЙН ЕНИСЕЙ-954 И МНОГОЕ ДРУГОЕ;



КОЛИЧЕСТВО ОГРАНИЧЕНО.
ПО ВСЕМ ВОПРОСАМ ОБРАЩАЙТЕСЬ В ОФИС КОМПАНИИ ПО СЛЕДУЮЩИМ КОНТАКТАМ:
Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00; Факс: +998 71 234 89 88;
E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Тошкент ш. Бектемир т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 000823-02, 28.12.2011 й.) рўйхатга олинган "LOGITER TRANS PLUS" МЧЖнинг (ИНН 207044496) буйруғига асосан ўз-ўзини тугатиш жараёнида эканлигини маълум қиламиз. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда 917-77-17 телефон рақамида қабул қилинади.

Тошкент ш. Бектемир т.да (реестр № 02-367, 18.01.2013 й.) қайта рўйхатга олинган "DILMUROD-DILSHOD" (СТИР 200519082) ХК (27.02.2013 й.даги № 1-сонли буйруғига асосан) тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда 809-81-33 телефон рақамда қабул қилинади.

ООО "GESTIYA BUSINESS" (ИНН 301339518), сообщает об уменьшении уставного фонда 384 724 000,00 сум до 379 724 000,00 сум. Претензии принимаются в течение 1 месяца с даты опубликования данного объявления по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Шахрисабз д. 3 кв-ра 41. Тел.: (99 871) 250-42-24. Факс: (99 871) 140-10-90

Тошкент вил. Зангиота т.да рўйхатга олинган "DILSHOD-UMID KELAJAK" ХКнинг ҳуқуқий мақоми "DILSHOD-UMID KELAJAK" оилавий корхонасига ўзгартирилади. Тел.: 187-36-44.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н (быв. С.Раҳимовский) р-н м/в Чимбай д. 4 кв-ра 37, выданный БТИ С.Рахимовского (ныне Алмазарского) р-на г. Ташкента на имя Салимовой Париды, считать недействительным.

"HILOLA UNIVERSAL TEKSTIL" МЧЖ (ИНН 302441304), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского р-на г. Ташкента (реестр № 006972-11, 18.12.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Шота Руставели и ул. Глинка Бекат савдо шохобчаси, ликвидируется (протокол № 2 от 25.02.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Утерянный документ-решение хокима № 001700-08 от 06.04.2009 г., выданный Чиланзарским хокимиятом г. Ташкента на изменения и дополнения к уставу на имя ООО "OM-AK-NUR-BIZNES", считать недействительным.

ГУП "INTURIST TOSHKENT" (ИНН 300699561) при НК "Узбектуризм", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Истиклол, 47, ликвидируется (Постановление коллегии НК "Узбектуризм" №15 от 27.02.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

ООО "ASHRAFXUJA-FAYZ" Юнусабадского р-на, сообщает об уменьшении Уставного фонда с 429 543 251 сум до 225 726 446 сум.

Утерянные кадастровые документы № 10:05:02:02:03:0024, выданные 16.02.2012 г. на недвижимое имущество, расположенное по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. Бабура 77, производственные здания (свидительство о праве собственности на недвижимое имущество ТА № 1351000) и земельный участок (свидетельство о праве собственности на земельный участок O'Y № 444649), выданные на ООО "ALTA VETTA", считать недействительными.

ДП "MEYORIY SERVIS", сообщает о недействительности круглой печати и углового штампа изготовленного по результатам гос. регистрации (25.04.2012 г., № 002546-11), в связи с признанием недействительной гос. регистрации ДП "MEYORIY SERVIS" решением хозяйственного суда г. Ташкента от 25.12.2012 г. за № 10-1207/20614.

ДП "MEYORIY SERVIS", сообщает о недействительности чеков за № 0020301-0020325, выданных ЧЗАКБ "Hi-Tech Bank", в связи с их утерей.

ООО "NASIM GOOD TRADE" (ИНН 302343798), зарегистрированное ИРСП Учтепинского р-на (10.07.2012 г., реестр № 005242-01), сообщает об уменьшение уставного фонда зарегистрированного с 54 300 000 сум по 4 300 000 сум. Тел.: 567-89-88.

"Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси" томонидан "MAXSTAR BUSINESS" МЧЖга тегишли С.Раҳимов т. (ҳозирги Олмазор т.) Чуқурсой кўч. 25-уй манзилидаги савдо-маиший хизмат мажмуаси учун 18.09.2007 й.да берилган ТА 0119519 сонли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный кадастр № 10060405030048 от 13.03.2009 г. на помещение по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н Дарё бўйи-3 туб., выданный Управлением Государственного Кадастра по Ташкенту на ОАО "NERUDNIK", считать недействительным.

"Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси банкнинг Сурхондарё вилояти бошқармаси Бойсун филиали бошқарувчиси **Ҳусан ШОЙИМҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-56-25, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: Ш.ЙЎЛДОШЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-314, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.30
26077 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5